

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил “10” 01

51/402-сон Қоғазлиқ ТЭТК

(шартнома тузилган манзил)

“Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ (кейинги ўринларда “Корхона” деб аталади)нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б.Исломов, бир тарафдан ва

Махмуд бо ошмак к-к бўлиши

(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг Изоли асосида фаолият юритувчи раҳбари

С.Рисбегов

(“Истеъмолчи” раҳбарининг номи Ф.И.Ш.)

иккинчи тарафдан,

мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан “Корхона” тармоқлари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) “Истеъмолчи”га етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса истеъмол қилинган энергия ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергия ҳисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив 60000 кВт.с., реактив - кВт.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи 450 сум тариф бўйича тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин) Ишчилик ва ташкилотлар

сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида бўлинган йиллик энергия ҳажми ушбу шартноманинг 1 иловасида келтирилган.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда- ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг

2-илоvasида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарори 1 иловасида белгиланган рўйхат асосида табиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик ҳажми - кВт/соат ташкил этади.

III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.